XALQ DEPUTATLARI KITOB TUMANI KENGASHINING
Q A R O R I

2021 йил «4» апрель 1-4-62-К/21 Китоб туман ҳокимияти

Китоб туманидаги қишлоқлар кўчаларига ва янгидан

ташкил топган кўчаларга ном бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 октябрдаги “География объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й, 41-сон, 448-модда; 2017 й., 35-сон, 914-модда)нинг 10-моддаси, тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинларининг илтимосномалари, туман ҳокимининг таклифи, шунингдек, География объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича вилоят комиссиясининг 2021 йил 15 февралдаги 17/439-сонли хулосаси ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига асосан Халқ депутатлари Китоб туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. География объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича вилоят комиссиясининг 2021 йил 15 февралдаги 17/439-сонли хулосаси ҳамда тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинлари илтимосномалари ва туман ҳокимининг таклифи маъқуллансин.

2. Китоб туманидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги қишлоқлар кўчаларига тавсия қилинган номлар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3.Туман ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари (А.Пўлатов)га бир ҳафта муддатда туман ҳудудидаги янгидан номланган географик объектларнинг номларини замонавий кўринишда пешлавҳаларга ёзиб ўрнатиш вазифаси юклатилсин.

4. Китоб туманидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларига кўчаларга янги номлар берилиши муносабати билан аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини ўтказиш тавсия этилсин.

5. Туман ички ишлар бўлими (А.Узоқов) ном берилган ҳудудларда яшовчи аҳолининг фуқаролик паспортлари берилаётганда мазкур ҳолатга алоҳида эътибор қаратсин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ижтимоий-маданий ривожлантириш, Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалиги ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича туман доимий комиссиялари ҳамда туман ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари (А.Пўлатов) зиммасига юклатилсин.

7. Мазкур қарор туман ҳокимлиги расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

8. Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Китоб тумани ҳокими **Zakirov A. I.**

Халқ депутатлари туман Кенгашининг

2021 йил ___ мартдаги _____ сонли қарорига илова

Китоб туманидаги ўзгартирилаётган қишлоқ номлари ҳамда номсиз кўчаларга

тавсия этилган номлар бўйича республика эксперт комиссияси

ХУЛОСАСИ

Т/р	Географик объект жойлашган маҳалла	Географик объектнинг амалдаги номи	Географик объектга туман комиссияси томонидан берилган таклиф	Эксперт комиссияси хулосаси
НОМЛАРИ ЎЗГАРГАН ҚИШЛОҚЛАР				
1	Шўробсой МФЙ	Қуйичил	Ўртачил	**Ўртачил** – қонун талабларига мувофиқ
2	Наврўз МФЙ	Ўртачил	Янги Ўртачил	**Янги Ўртачил** – қонун талабларига мувофиқ
ҚИШЛОҚЛАРНИНГ НОМСИЗ КЎЧАЛАРИГА БЕРИЛГАН НОМЛАР				
1	Паландара МФЙ	Дейшкон қишлоғи	Соҳибкор, Тинчлик номларидан бири	**Соҳибкор** – қонун талабларига мувофиқ
2	Катлос МФЙ	Гузарнафас қишлоғи	Ўлмас Саиджонов, Обираҳматсой номларидан бири	**Обираҳматсой** – қонун талабларига мувофиқ
3	Башир МФЙ	Косагар қишлоғи	Шаршара, Сойбулоқ, Косагар номларидан бири	**Шаршара** – қонун талабларига мувофиқ
4	Алақўйлиқ МФЙ	Алақўйлиқ қишлоғи	Ватан, Хизрназар, Давр номларидан бири	**Ватан** – қонун талабларига мувофиқ
5	Яккатут МФЙ	Сапарча қишлоғи	Ғиштлитепа	**Ғиштлитепа** – қонун талабларига мувофиқ
6	Оқсув МФЙ	Хўжаиспароз	Улуғ пир, Анҳорбўйи, Сувишифо, Пириазиз номларидан бири	**Сувишифо** – қонун талабларига мувофиқ
7		Нимги қишлоғи	Барҳаёт, Парвоз, Адолат, Эътиқод номларидан бири	**Барҳаёт** – қонун талабларига мувофиқ
8		Нурали қишлоғи	Иттифоқ, Қутлуғ қадам номларидан бири	**Қутлуғқадам** – қонун талабларига мувофиқ
9	Қашқадарё МФЙ	Тадбиркор қишлоғи	Чоршанбебозор, Хўжаназар номларидан бири	**Чоршанбебозор** – қонун талабларига мувофиқ
10	Тупчоқ МФЙ	Равот қишлоғи	Сурхакли, Равот, Боғиузум,Узумбоғ номларидан бири	**Сурхакли** – қонун талабларига мувофиқ
11	Нурафшон МФЙ	Нурафшон қишлоғи	Заковат, Ҳиммат, Саховат,Хислат, Ихлос, Нурафшон номларидан бири	**Заковат** – қонун талабларига мувофиқ
12	Оёқчи МФЙ	Юқори Оёқчи қишлоғи	Қорахўжа	**Қорахўжа** – қонун талабларига мувофиқ

13	Куҳсор МФЙ	Жовуз қишлоғи	Қўриқхона, Зинзилбоғ, Миллий боғ, Сумсартоғ, Обиё номларидан бири	**Сумсартоғ** – қонун талабларига мувофиқ
14		Матмон қишлоғи	Оқота, Тагиматмон, Мингучар номларидан бири	**Тагиматмон** – қонун талабларига мувофиқ
15		Деновбола қишлоғи	Чашмаикўл, Кўлоб, Деновболо, Обичаппа, номларидан бири	**Кўлоб** – қонун талабларига мувофиқ
16	Жилисув МФЙ	Эски Чимбой қишлоғи	Қуруқсой, Чорвачи, Эски Чимбой номларидан бири	**Қуруқсой** – қонун талабларига мувофиқ